



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва кадр-лаш кўни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 71 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 800 000 (саккиз юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетига маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилиши таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоким-ликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати, бадий академия, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуруний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 18 апрель



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

«Биз Ўзбекистон Халқ демократик партиясини танладик!»

Чилонзор тумани 39-оилавий поликлиникадаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти аъзолари партия Сайловолди дастурида тиббиёт соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш, тарғибот ишлари таъсирчанлигини кучайтириш жараёнларида фаол иштирок

этомда. Аҳоли, хусусан, хотин-қизлар ўртасида тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирларда кўплаб ёшлар фаол иштирок этиб, ЎзХДП дастурий мақсадлари билан танишиш имконига эга бўлмоқда.

Яқинда поликлиникадаги бир гуруҳ ёшлар ЎзХДПга аъзо бўлишди. Уларнинг барчаси келажакда етук мутахассис бўлиши, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши, мамлакатимиз тараққиётга муносиб ҳисса қўишини мақсад қилган.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Электрат манфаатларини ҳимоя қилиш учун

ташаббускорликни ошириш, масъулиятни кучайтириш талаб этилади

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, шу йилнинг 22-31 март кунлари ЎзХДП фракцияси аъзолари сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб қайтди. Жойларда қонунлар ижросини чуқур ўрганишда, муҳим ижтимоий-ҳуқуқий масалалар бўйича фуқаролардан таклиф-мулоҳазалар олишда, депутатларнинг ташаббускорлигини оширишда ушбу учрашувлар муҳим аҳамиятга эгадир.

► Давоми 2-бетда.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Бандлик дастури ижроси ўрганилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилишида 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури кўрсаткичларининг Сурхондарё вилоятида бажарилишини ўрганишга тайёргарлик кўриш масаласи муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси, Фракция аъзоси Ёқуб Умаров ушбу жараён юзасидан атрафлича ахборот берди.

— Назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш чоғида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари иш ўринлари яратилиши рағбатлантиришга, аввало, касб-ҳунар коллежлари биттирувчиларини ишга жойлаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиши белгиланган, —

деди кўмита раиси. — Хусусан, бир қатор йўналишлар бўйича мониторинг олиб бориш режалаштирилмоқда. Шаҳар ва туманларда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишлари, ҳудудда аввал хусусийлаштирилган йирик корхона ва объектлар ҳамда давлат тасарруфидидаги объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳолати ўрганилади. Шунингдек, иқтисодий нозор, тўла қувватда ишламаётган корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳоли

бандлигини таъминлашга йўналтирилган дастурлар ижросини мониторинг қилиш режалаштирилган.

Фракция аъзолари сайловчилар муносабатларига таяниб, жойларда аҳоли бандлиги билан боғлиқ ечимини кутаётган муаммолар борлигини таъкидлашди. Сурхондарё вилоятида бандлик дастури ижросини ўрганишда кичик бизнес, хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш ишларига эътиборни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида фракция масъул кўмитаси ўз тақлифларини берди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.


ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Партия гуруҳлари фаолияти қониқарлими?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгашининг пленумида иштирокчилар ана шу савол атрофида фикр алмашишди.

Пленумда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, вилоят партия ташкилоти олдидан турган устувор вазифалар кўриб чиқилди.

► Давоми 2-бетда.



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСИ

ва унинг маслаҳатчилари
сайловига бағишланган семинар
ўтказилди

Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда туман ва шаҳар кўмаклашувчи комиссиялари, ишчи гуруҳлар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутасаддилари қатнашди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зуфар Нарзуллаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарорига кўра, шу йил май-июнь ойларида ўтказилиши режалаштирилган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг аҳамияти тўғрисида маъруза қилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгаши комиссияси аъзоси Абдурахмон Бобоев сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар ваколатлари, қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча берди.

«ЎЗБЕКISTON — УМУМИЙ УЙИМИЗ»

VI республика фестивали
бўлиб ўтди

Вилоят ҳокимлигининг расмий сайти берган хабарга кўра, фестиваль доирасида ўтказилган «Соғлом авлод тарбиясида миллатлараро тоғуликнинг ўрни» мавзусидаги илмий-амалий семинарда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Республика Байналмилал маданият маркази, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази вакиллари қатнашди.

Семинарда Наманган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров иштирок этди.

МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

Китоб туманидаги «Китоб ип йиғирув» акциядорлик жамиятида йилга 2700 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга янги цех ишга туширилди.

«Қашқадарё» газетасининг сайтида берилган маълумотга кўра, корхона Буюк Британиянинг «Edel Trading» компанияси вакиллари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича қиймати қарийб 200 минг АҚШ долларликл шартнома имзолаган. Айни пайтда дастлабки маҳсулотлар жўнатилади. Шу кунларда цехдаги дастгоҳлар тўла қувват билан ишлаяпти. Келгусида Латвия, Россия, Молдова мамлакатларидаги ишбилармонлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокаралар олиб борилаётган.

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!



Фарғона Универсиада руҳи билан яшамокда

4

ЎЗХДП ЖИЗЗАХ
ВИЛОЯТИ, ТУМАН ВА
ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИДА

ЖИЗЗАХ ТУМАН КЕНГАШИ
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ
МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ
ИНСТИТУТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА
ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ.

ПАХТАКОР ТУМАН КЕНГАШИ
«ИПАК ЙЎЛИ» ҚИШЛОҒИДА
«ТАРҒИБОТЧИ — МАҲАЛЛАДА»
ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА
ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТДИ.

«МЕН ВАТАНИМ РАВНАҚИГА ҲИССА
ҚЎШИШНИ ХОҲЛАЙМАН» ШИОРИ
ОСТИДА «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016»
КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЖИЗЗАХ ШАҲАР
БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

■ Сайловчилар, электорат вакиллариининг 900 дан ортиқ савол ва мурожаатларига фракциямиз аъзолари алоҳида эътибор қаратмоқда.

Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун

ташаббускорликни ошириш, масъулиятни кучайтириш талаб этилади



Сайловчилар, электорат вакиллари билан ўтказилган юзма-юз мулоқотлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари учун қай даражада самарали бўлди? Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик қадриятларни изчил қарор топтириш, парламентнинг таъсир кучини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги ислохотлар ҳусусида сайловчилар қандай фикрда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари **Ҳотамжон КЕТМОНОВ** мазкур саволларимизга жавоб берди.

— Фракциямиз аъзоларининг сайлов округларидаги фаолиятини кучайтириш биз учун энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида Президентимиз томонидан парламент, депутатлар олдида қўйилган долзарб вазифаларни бажаришимизда бу муҳим ўрин тутди. Шунинг учун сайловчилар билан учрашувларини ҳар томонлама самарали ўтказишга жиддий эътибор қаратиляпти.

Учрашувлардан олдин «ЎЗХДП фракцияси аъзоларининг сайлов округларидаги фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳаракат дастури» тасдиқланиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди. Мазкур дастурга мувофиқ, фракциямиз аъзолари, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан сайловчиларга батафсил ахборот беришга, улардан таклифлар олишга ҳаракат қилишди.

Маълумки, ҳозир парламент қўйи палатасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, қолаверса, қонунларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилаётганда ҳар бир фракция ўз позициясини эркин билдиришти, аини пайтда, қизгин бахс-мунозараларда уни қатъий туриб ҳимоя қиляпти. Шунингдек, фракциялар ўз электорати манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янада чуқур ўрганишга, таклифлар ишлаб чиқиш,

уни қонунчиликда акс эттиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Фракциямиз аъзоларининг сайлов округларидаги фаолияти самарали йўлга қўйилмасдан, бу борада аниқ натижаларга эришиш қийин, албатта.

Аҳоли вакиллари билан юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги энг муҳим масалалар бўйича очик мулоқот ўтказишга, расмий маърузалардан қочиш, кўпроқ фикр алмашишга ҳаракат қилдик. Натижада сайлов округларидаги фаолиятимиз аввалгиларига нисбатан самарали бўлди, учрашувларда сайловчилар фақат тингловчи бўлиб қолмасдан, ўз фикр-мулоҳазалари, савол ва таклифлари билан фаол иштирок этди. Яъни, баъзида кузатиладиган сунъий аудитория йиғиш ҳолларидан воз кечиш, маҳаллалар, қорхона-ташкilotлардаги меҳнат жамоалари, сайловчилар орасига чуқурроқ кириб боришга, аҳоли вакиллари янада яқинроқ бўлишга интилдик.

Тахлилларга кўра, депутатларимиз сайлов округларида сайловчилар билан 340 учрашув, давра суҳбати ва семинарлар ўтказишди. Уларда 33 мингга яқин сайловчи иштирок этди.

Учрашувларда ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қабул қилинган қонунлар қандай ишляпти? Жамиятимизда қандай қонунларга эътиҳез сезилмоқда? Сайловчилар, хусусан, электорат вакиллари қандай муаммоларга дуч келяпти? Ҳар бир депутат ўз сайлов округи мисолида ушбу масалаларни ўрганди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Жойларда бўлганимизда мамлакатимизда барча жабҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳаётини самаралар бераётганига, фуқаролар уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганига яна бор гувоҳ бўлдик. Аҳолининг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий фаолияти, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, аиникса, ёшларимизнинг ўзига ва келажакка ишончи ортиб бораётганини кўзимиз билан кўрдик.

Шуларга таяниб, сайловчилар, электорат вакиллари билан учрашувларимиз фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва мунозараларга бой бўлди, дейиш учун барча асослар етарли.

— Демак, учрашувларда муҳим ижтимоий масалалар ҳам кўтарилган, қўллаб-қувватлаш бўлган? Уларни ҳал қилиш бўйича фракция қандай чора-тадбирлар кўряпти?

— Учрашувларда сайловчилар мамлакатимиз ҳаёти, келгуси тараққиётга дахлдор мавзуларда

фикр-мулоҳазалар билдириш билан бирга, ўзларини ўйлантириб келаятган масалаларда ҳам мурожаат қилишди. Фракциямиз йиғилишида улар атрофлича муҳокама этилди. Депутатларнинг таклифларидан келиб чиқиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Сайловчилар, электорат вакиллариининг 900 дан ортиқ савол ва мурожаатларига фракциямиз аъзолари алоҳида эътибор қаратмоқда. Мурожаат ва саволларнинг 260 таси фан, таълим, маданият ва спорт, 64 таси пенсия ва ижтимоий нафақалар, 82 таси бандликка кўмаклашиш, 51 таси соғлиқни сақлаш, 108 таси уй-жой, коммунал хизматларга оид бўлди. Шунингдек, транспорт, қурилиш, алоқа, қонунчилик ва судхуқуқ, иқтисодиёт, молия, солиқ, банклар фаолияти, коммуникация ва йўл қурилиши, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича ҳам сайловчилардан қўллаб-қувватлаш тўғрисида саволлар берилди.

Учрашувлар давомида 420 мурожаат маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳокимликлар ва ҳамкор ташкилотлар ёрдамида жойида ҳал этилди. 190 га яқин мурожаат маҳаллий давлат органларига, 40 дан ортиқ мурожаат эса тааллуқлилиги бўйича республика ташкилотларига юборилган бўлди ва улар фракциямиз аъзолари томонидан назоратга олинди.

Мана шу мурожаатларнинг йўналиши, характери фракциямизга қандай ижтимоий масалалар бўйича парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш кераклиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Одамларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш зарур, албатта. Лекин бу ўринда энг муҳим вазифа фуқаролар мурожаатлари замиридаги, электорат вакиллариини ўйлантираётган муаммоларга тизимли равишда ечим топиш, депутатлик ва парламент назорати орқали уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш ҳисобланади.

Кези келганда яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман. Парламентнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил йўналишларидаги фаолиятини таркомиллаштириш, аиникса, қонун ҳал қилиш назорат қилиш бўйича парламент ҳамда жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйиш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада мавжуд механизмлар, берилган ваколатлар, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишимиз, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорликни кучайтиришимиз талаб этилади.

Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти доимий равишда таркомиллаштириб бориши қонунлар ижроси таъминлаши, ижро ҳокимияти масъулияти кучайиши, шунингдек, ижтимоий масалалар самарали ечим топишга ижобий таъсир кўрсатади.

Халқчил, ҳаётини қонунлар қабул қилиш, аҳолини ўйлантираётган масалаларни парламентда муҳокама этиш ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ стратегик вазифаларни белгилашда бу муҳим ўрин тутди.

Депутатлар сайловчилар билан мунтазам алоқада бўлиб туриши биринчи навбатда депутатнинг ўзига, сиёсий партияга жуда зарур. Аинан бевосита мулоқот депутатни, сиёсий партияни реал ҳаётга яқинлаштирилади, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва уларнинг сабабларини чуқур ўрганиш имкониятини кенгайтиради.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш партиямиз учун принципиал масала ҳисобланади. Шунинг учун фракциямиз иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Парламент назорати Дастурни таркомиллаштиришга, унинг ижросига қандай таъсир қиляпти?

— Аввало шунини айтиш керакки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёшларни иш билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар белгиланмоқда. Ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар битирувчиларни ишга жойлаштириш имкониятларидан унумли фойдаланмоқда.

Қорхона-ташкilotларда бўлганимизда, меҳнат жамоалари билан учрашганимизда «ёшларни қўллаб-қувватлашимиз, ишлаб, ҳаётда ўз йўлини топиб олиши учун уларга ҳар томонлама йўл-йўриқ кўрсатишимиз керак», деган яқдил муносабат шаклланиётганига гувоҳ бўлдик. Албатта, Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор, ғамхўрлик бу борада асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури таркомиллаштиришда, унинг ижросини изчил йўлга қўйишда парламент назорати жараёнида ишлаб чиқилаётган таклиф ва тавсиялар, депутатлар томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ҳам ўзига хос ўрин тутаяпти.

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси бир неча йиллардан буён бандлик дастури ижроси, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масалаларида парламент эшитувлари ўтказилишида ташаббускор бўлиб келяпти. Бу эшитувлар ижро ҳокимияти, яъни ҳукумат, ҳокимликлар ва бошқа мутасадди ташкilotларнинг масъулиятини оширишга хизмат қиляпти.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар мазмун-моҳиятига мос тарзда қонунчилигимиз ҳам таркомиллаштириб бораётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ёшлар, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича тузилган уч томонлама шартномалар бажарилишини таъминлаш, бу борада юзага келаятган турли англашилмовчилик ва сансозликларнинг олдини олиш мақсадида Меҳнат кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, битирувчиларни синов муддатисиз ишга олиш, бир йилгача ишдан бўшатмаслик қоида тариқасида белгиланди. Бу ёш мутахассисларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш ўрганиши учун уларга етарли вақт ва имконият берилишида муҳим ўрин тутмоқда.

Шу билан бирга, парламент назорати жараёнида ишлаб чиқилган таклифлар ўтган йиллар давомида Дастурни янада таркомиллаштиришга ҳам асос бўлмоқда. Хусусан, партиямиз фракцияси таклифлари асосида коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи Дастурдан алоҳида қисм сифатида ўрин олди.

Бандликни таъминлаш соҳасида қонунчиликни ривожлантириш, келгусида қабул қилинадиган дастурлар ва уларнинг ижро механизмини таркомиллаштириш муҳим масала, деб ҳисоблаймиз. Фракциямиз ташаббуси билан 2015 йилда Дастур ижроси бўйича ўтказилган парламент эшитув вақтида ҳам ҳукуматга бир қатор тавсиялар берилди.

Шу асосда жорий йилга мўлжалланган Дастурда туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузурида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мақсадли параметрларини сўзсиз бажариш юзасидан мувофиқлаштирилган ишларни ташкил этиш бўйича доимий ишловчи ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини кучайтириш чоралари кўзда тутилди. Бу касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича тақдим этилаётган маълумотлар ҳақиқатга қанчалик тўғри келишини танқидий ўрганиб чиқиш ва ушбу йўналишдаги ишлар самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фракциямиз партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонуний ваколатлардан, парламент назорати имкониятларидан самарали фойдаланишга интиломоқда. Сайловчилар, аҳоли ва электорат вакиллариининг фикр-мулоҳазалари, турли ижтимоий масалалардаги мурожаатлари эса бизни янада масъулиятли бўлишга, янги ҳаётини ташаббуслар билан чиқишга ундайди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ
суҳбатлашди.

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

— Маълумки, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида юртимизда сила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, қишлоқ жойларда яшайтган аҳоли учун ижтимоий-маиший шарт-шароит яратиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган, — деди вилоят партия кенгаши раиси **Дилором Абдурахимова**. — Эътиборли жиҳати, партиямизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастуридаги мақсадлар ҳам аинан ушбу йўналишлардаги масалалар билан ҳамоханг. Демак, Давлат дастурида қамраб олинган вазифалар электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга. Шу боис, Давлат дастури ижросида партия ташкилотлари иштирокини таъминлаш, шунингдек, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик бирлашмаларининг фаолиятини кучайтириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Партия гуруҳлари фаолияти қониқарлими?

Тўғри, партия кенгашлари бошланғич тузилмалар, ҳамкор ташкilotлар билан жойларда турли тадбирлар ўтказмоқда. Нисбатан олганда ўтказилаётган тадбирлар ўзига хос, таъсирли усулларда олиб бориляпти. Партия сафи ёшлар, хотин-қизлар ҳисобига ўсмокда. Аммо реал олий қаралганда, бугунги тезкор ривожланиш жараёнида фаолиятимизни янада кучайтиришимиз керак, деб ўйлайман. Партия гуруҳлари депутатлик назорати ва сўрови институтидан самарали фойдаланиш талаб этилмоқда.

Маърузачи партия ташкilotлари ва депутатлар фаолияти таҳлилига алоҳида эътибор берди. Партия электорати манфаатла-



ри учун долзарб масалаларни доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқиш билан чекланилган, уларни сессиялар кун тартибига киритишда сусткашликка йўл қўйилгани айтиб ўтилди. Халқ депутатлари Мингбулоқ, Наманган, Норин ва Янгиқўрғон туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти танқидий баҳоланди.

2015 йил давомида электорат манфаатлари билан боғлиқ 40 масала партия гуруҳларида, 13 масала доимий комиссияларда муҳокама қилинди. ЎЗХДП гуруҳлари ташаббуси билан 10 масала халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида кўриб чиқилган. Жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, пленумда вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Зибвуддин Мансуров, Ўзбекистон Қаҳрамони, вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзоси Халчахон Мирзаева, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Нафиса Мамасолиева, Наманган туман партия кенгаши раиси Умиджон Солиев, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Аббор Собиров, «ЎЗХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови республика босқичи иштирокчиси Адиба Абдурахимова, вилоят Кенгашининг Қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Баҳодир Каримов кун тартибидида масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Музокаралардан сўнг пленум бошланғич партия ташкilotлари фаолиятини замон талабига мослаштириш, тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириш, депутатлар ташаббускорлигини кучайтириш масалалари юзасидан қарор қабул қилди.

Пленум якунида бир гуруҳ ёшларга Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувларидан лавҳалар.



ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ



Япония элчиси Бухоро давлат университетига ташриф буюрди

Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Фумихико Като ва дипломатик миссиянинг биринчи котиби Соичиро Тоёшимо Бухоро вилоятида бўлишди.

Меҳмонлар дастлаб Когон шаҳрининг Абдулла Қодирий номи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги япон ҳарбий асирлари дафн этилган биродарлик қабристони зиярат қилишди.

Шундан сўнг Бухоро давлат университетига қўйилган Ўзбекистон — Япония марказига ташриф буюриб, у ерда яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирдилар.

Шунингдек, меҳмонлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, деб хабар беради Бухоро вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати.

Инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш бўйича лойиҳа яқунланди

Лойиҳа натижасида ўқув-услубий мажмуаларни яратишда ҳамда дарс жараёнида ўқитувчи ва талабалар фойдаланиши учун «B2 Ready» китоби нашр этилди.

ЎзДЖТУ ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази томонидан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш бўйича «Authorship Development Project: English for Future Professionals» лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

ЎзДЖТУ сайтыда хабар берилишича, лойиҳа АҚШ элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, унга америкалик мутахассис Ди Бротон жалб этилган. Лойиҳа доирасида 2015 йилнинг май ойидан жорий йилнинг апрель ойигача жами 20 га яқин семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирлар давомида келажакда инглиз тилида турли соҳа ва йўналишлар бўйича дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар ярата оладиган муаллифлар гуруҳи шакллантирилди.

ТОШКЕНТДА БОЛАЛАР УЧУН мобиль иловалар яратиш курси очилди

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети (IUT) 11 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун мобиль иловалар яратиш бўйича янги курс очди.

Университет сайтида берилган хабарга кўра, IUT 2015 йилнинг ёзидан бошлаб болаларни визуал дастурлашга ўргатиш мақсадида Codecraft лойиҳасини очган эди. Курс давомида болалар Scratch 2 тили асосида дастурлашни ўзлаштирди. Яқинда эса IUT болаларни дастурлашга ўргатишни янада чуқурлаштириш учун Advanced Scratch 2 курсини очди.

Янги курс Codecraft лойиҳасининг давоми бўлибгина қолмай, уни янги босқичга олиб чиқади. Курс давомида болалар Android платформасида мобиль иловаларни дастурлашни ўрганадилар. Codecraft лойиҳаси раҳбари Фарход Мусаевнинг сўзларига кўра, курсда 15 нафар бола иштирок этмоқда.

Ирландия Республикасида 15 дан ортиқ сиёсий партиялар аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилади.

ИРЛАНДИЯ:

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТ КУЧАЙМОҚДА

Жорий йил 26 февраль кун Ирландия Республикаси парламентининг қўйи палатаси — Дойл Эрен учун сайлов бўлиб ўтди. Парламентга мамлакатдаги 40 сайлов округидан 157 нафар депутат сайланди. Бу қўйи палатага ўтказилган 32-сайлов ҳисобланади. Сайлов натижаларига кўра, бирор-бир партия мутлақ кўпчилик ўринни қўлга кирита олмади.

Ирландия сайлов тизимига эътибор қаратадиган бўлсак, кўплаб ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланади. Хусусан, депутатлар пропорционал тизим асосида сайланади. Мамлакатда ташкил этиладиган 40 округдан бир неча номзод сайланиши мумкин. Мисол учун, ўтган сайловларда айрим округлардан бештагача номзод депутатликка сайланди.

Ушбу сайловда қўйи палата депутатлиги учун 551 киши номзодини қўйди. Мазкур, Фин Гэл партиясидан энг кўп — 88 номзод кўрсатилди.

Сайловда фақатгина мамлакат ҳудудида муқим истиқомат қилаётган, Ирландия Республикаси фуқаролигига эга бўлган шахслар иштирок этиши белгиланган.

Сайловолди кампаниясида расмий равишда 3 февралда рухсат берилган бўлиб, у 25 февралга қадар давом этди. Ирландия конунчилигига биноан сайлов кунни ташвиқот қилишга рухсат этилмайди. Сайлов кампанияси давомида барча сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиши учун бир хил шарт-шароит яратилди.

Ўтган сайловда 76 депутатлик ўрни билан етакчилик қилган Фин Гэл партияси

Сайлов кампанияси давомида барча сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиши учун бир хил шарт-шароит яратилади.

жорий сайловда 50 ўринга эга бўлди. Мазкур партияга 2002 йилдан буён Энда Кенни етакчилик қилиб келмоқда. Ўзига хос тарихга эга бўлган ушбу партия 1933 йилда ташкил этилган. Партия асосан консерватизм ва либерализм ғояларини илгари суради. Шунингдек, мамлакатдаги тинчлик ва оқсоқилликни сақлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, янги иш ўринлари яратиш масалалари партия сайловолди дастурида алоҳида кўрсатилган.

Мазкур партиянинг кўплаб тузилмалари мамлакат микроскопик фаолият олиб боради. Хусусан, партиянинг ёшлар қаноти Ирландияда катта



оёруға эга. Ёшлар қаноти 1976 йилда ташкил этилган. Партиянинг 30 ёшгача бўлган аъзолари ушбу тузилма фаолиятида иштирок этади. Партия ғояларини тарғиб этади, айниқса, сайловолди кампанияларида фаол қатнашади. Ушбу қанот фаолиятида иштирок этган ёшлар кейинчалик партия тизими, умуман, мамлакатдаги муҳим сиёсий жараёнларнинг доимий иштирокчиси айланади.

Хозир партиянинг 35 минг нафардан ортиқ аъзоси мавжуд. Унинг штаб-квартираси Дублин шаҳрида жойлашган.

Ирландия Республикасидаги йирик сиёсий партиялардан яна бири — бу Финан Файл ҳисобланади. Ушбу сиёсий партия ҳам узоқ тарихга эга бўлиб, 1926 йилда ташкил этилган. Унинг етакчиси Майкл Мартиндир.

Партия олдинги сайловда парламентда 20 депутатлик ўринни эгаллаган бўлса, бу галги сайловда ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олди. Энди уларнинг 44 депутати парламентда фаолият олиб боради.

Мамлакатдаги илгор партиялардан яна бири Шинн Фейн ҳисобланади. Мазкур сиёсий куч 1905 йилда ташкил топган. Партия аъзолари сони ва мамлакатдаги нуфузи жиҳатидан юқоридаги рақобатчиларидан қолшимайди.

Социал ғоя тарафдорлари қарашларини ўзида ифода этган партия сайлов натижаларига кўра, 23 депутатлик ўрнига эга бўлди.

Мазкур сиёсий партиянинг сайловолди дастурида аҳолининг кам таъминланган

қатлами, меҳнат муҳожирлари, жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаатларини муҳофаза қилиш, давлат бюджетининг асосий қисmini ижтимоий соҳага йўналтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда бепул тиббий хизматни кенгайтириш каби масалалар асосий ўринни эгаллайди.

Умуман олганда, Ирландия Республикасида 15 дан ортиқ сиёсий партиялар аҳолининг турли қатламлари манфаатларини йўлида курашади. Сайлов натижалари эса фуқаролар уларнинг ғояларини қанчалик қўллаб-қувватлаётганини кўрсатади.

Интернет маълумотлари асосида
Нурали ОРИПОВ тайёрлади.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ИНСУЛЬТНИ
КЕЛТИРИБ
ЧИҚАРУВЧИ
ген аниқланди



Бир гуруҳ тадқиқотчилар инсултга чалиниш сабабини аниқлашди. Швециянинг Gteborgs-Posten газетасининг ёзишича, барча инсонларда мавжуд бўлган FoxF2 номи ген баъзиларда мингга қон қуйилиши ҳавфини кучайтиради экан.

150 мингдан ортиқ инсоннинг тиббий ва ирсий таҳлиллари натижалари кўрсатишича, FoxF2 мия томирларидаги қон айланишида гематозенцефалик тўсиқ вазифасини бажаради. Эндилда касалликка чалиниш эҳтимоллиги бўлган беморларда қон босимини пасайтириш имкони пайдо бўлади. Бунинг учун эса, ген ўзгаришларини батафсил ўрганиш талаб этилади.

Геннинг топилиши мия томирларини мустаҳкамловчи дори яратишга ҳам йўл очди. Олимлар геннинг қандай намуналарини мия томирларига таъсир қилишини яқин келажақда билиб олишади.

ТИНЧ ОКЕАНИДА

ҳалокатга учраган
кишилар қутқарилди



АҚШ соҳилбўйи хизмати Микронезия оролларида бирида океанда ҳалокатга учраган кишиларни қутқарди.

The Guardian нашрида ёзилишича, уч эрақ Тинч океанининг жанубий қисмига йўл олган пайтда кучли бўронга учраган. Улар яроқсиз ҳолга келган қайиқда бир амаллаб яқин ороллардан бирига сузиб боришган ва шу ерда уч кун жон сақлашган.

Махсус қутқарув самолёти Гонолулудан 2600 миль масофадаги Фанадик ороли соҳилида пальма барглари билан ёзилган Help (ёрдам) сўзини пайқашган ва ҳалокатга учраган кишиларни қутқаришган.

ЖАЗИРАМА

тўфайли 130 киши
ҳалок бўлди



Хиндистонда жорий йил апрель бошидан буён жазирама иссиқдан 130 дан ортиқ одам вафот этди, дея РИА Новости хабар бермоқда.

Одиша штати раҳбариятининг маълумотларига кўра, юқори ҳарорат бир неча кун ичида 24 кишининг умрига зомин бўлган. Мазкур штатнинг 19 шаҳрида ҳарорат 40 даражадан юқори бўляпти. Унинг пойтахти Бхубанешварда душанба кун ҳаво ҳарорати 45,8 даражага етган.

Жазирама сабабли кўплаб давлат ташкилотлари вақтинчалик ишламайпти.

Штатнинг метеорологик маркази аҳолини юқори ҳарорат қамаида яна бир ҳафта сақланиб туриши ҳақида оголантирди.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

«СамАвто» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини 1999 йилнинг март ойида бошлаган эди. 2006 йилда «Samkocha» қўшма корхонаси «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ («СамАвто») номи билан қайта ташкил этилди ва Япониянинг «ISUZU Motors Ltd» компанияси билан ҳамкорликда «ISUZU» шассиси асосида автомобиллар ишлаб чиқара бошлади.

Иш ўрганиб, касбни бўлишмоқда

2011 йилда корхонада сиқилган табиий газда ишловчи двигателлар ўрнатилган автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Бунинг сабабларидан бири табиий газ ёнилғисининг исботан арзонлиги ва ҳавони флослантириш даражасининг пастлигидир, — дейди мазкур корхона ахборот хизмати раҳбари Акобир Ахтамов. — Ҳозирги пайтда тайёрланаётган уч хил кузовга эга фургон, бортли ва ўзи ағдаргич автомобиллар ҳам шу ёнилғи билан ишлайди.

2014-2015 йилларда ана шундай ёнилғи билан мингдан зиёд чикинди ташийдиган машиналарга буюртма олинди. Натижада республикаимиздаги кўпгина ободлаштириш бошқармалари ва махсус санитар-тозалаш хизматлари ўзларининг автомобиль паркларини янгилашди.

Корхонанинг экспорт салоҳияти ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Бугунги кунда «СамАвто» машиналарига Озарбайжон, Қозоғистон ва Туркменистон каби давлатларда талаб катта.

2006 — 2014 йиллар мобайнида янги замонавий давлат стандартларига жавоб берадиган цех ва участкалар ишга туширилиши

натижасида аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашнинг кенг имкониятлари очилди. Хусусан, кейинги беш йил мобайнида 254 янги иш ўрни яратилди.

Корхона Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Завод хомийлигида коллежнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Мазкур таълим даргоҳида бугунги кунда «ISUZU» ўқув маркази ташкил этилган. Ушбу марказга малакали мутахассислар жалб этилиб, улар томонидан маърузалар ўқилмоқда.

Битирувчилар амалиётни заводда ўташлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар «устоз — шогирд» аънаъаси асосида малакали ишчиларга бириктирилди.

Сўнгги икки йилда 219 нафар коллеж ўқувчиси бу ерда амалиёт ўтади. 87 нафар битирувчи эса корхонада ишга олиб қолинди.

Ҳозирги кунда корхона жамоаси минг нафарни ташкил этади. Уларнинг ижтимоий ҳимояси талаб даражасида ташкил этилган.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Она ва бола хуқуқи — муқаддас

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг жорий йилдаги биринчи сони таҳрир хайъати томонидан тайёрланган «Соғлом она ва бола — мустаҳкам жамият асоси» сарлавҳали мақола билан очилади.

«2016 йил — Соғлом она ва бола йили» руқни остида эса Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонованинг «Аҳил ва мустаҳкам оила — жамият таянчи», Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фулом Мирзонинг «Соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир», Тошкент давлат юридик университети доценти Хайдарали Муҳамедовнинг «Болаликни ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари», Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходими Маъруф Умаржоновнинг «Оналик ва болалик муҳофазасининг ҳуқуқий-қисий таҳлили» мақолалари эълон қилинган.

Журналхонлар «Инсон ва ҳуқуқ» руқни остида эса Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Илҳом Турғуновнинг «Инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий ислохотларнинг роли», Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси Абдурахим Қурбоновнинг «Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги», Ички ишлар вазирлиги Академияси катта илмий ходим-изланувчиси Абдоржон Амановнинг «Ҳақ эвазига ахборот



хизмати кўрсатиш шартномасининг моҳияти ва аҳамияти» сарлавҳали мақолалари билан танишадилар.

Журналнинг ушбу сонидида «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази — 2015 йилда» сарлавҳаси остида марказнинг йиллик ҳисоботи эълон қилинган.

Шунингдек, «Халқаро ҳуқуқ», «Юксак маънавият — енгилмас куч» руқнлари остида ҳам кўплаб эътиборга лойиқ мақолалар босилган.

Буюк бобомиз Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси Содик Йўлдошевнинг «Амир Темур салтанатида адолат устуворлиги ва шикоятларнинг ҳал этилиши тарихидан» мақоласи ҳам кўпчиликини қизиқтириши табиий.

Шунингдек, журналда «Анжуманлар, тадбирлар, тақдимотлар» руқни остида турли ахборотларга ҳам кенг ўрин берилган.

Ўз муҳбиримиз.



Франциялик
пианиночи
Эрве Селлен
Тошкентда
концерт беради

7-30 апрель кунлари ўтказилаётган Халқаро жаз фестивали доирасида ва Халқаро жаз кунли муносабати билан Франция элчихонаси пианиночи Эрве Селленни концерт бериш учун Ўзбекистонга таклиф этди. Бу ҳақда элчихона сайтида маълум қилинди.

29 апрель кунли Франциялик созанда Эрве Селлен Ботир Зокиров номидаги жаз оркестри билан биргаликда Ўзбекистон давлат консерваториясида концерт беради.

Тошкентга сафари давомида Эрве Селлен консерваториядаги Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари учун маҳорат дарслари ўтказди. 30 апрель кунли эса Ўзбекистон давлат консерваториясида жаз фестивалининг якуний концертида иштирок этади.

Санъатимиз ғунчалари

Норин туманидаги 21-умумтаълим мактабининг 8-синфда таҳсил олаётган Гулном Россиянинг Суздаль шаҳрида ўтказилган «Золотое кольцо» халқаро болалар фестивалида 3-даражали диплом билан тақдирланди.

«Наманган ҳақиқати» газетасининг сайтида ёзилишича, Гулном ижросидаги «Полури», «Калинка», «Қўштор» куйларини томошабинлар эър ҳаяжон ва оқ-қизлар билан кутиб олишган. Унинг ижроси ҳакамлар хайъати томонидан юқори баҳоланган. Гулном танловнинг тақдирлаш маросимида гала концерта таклиф этилган.

Ҳисоб-китоб терминаллари

СОНИ

190,8 мингтага
етди

Республика Марказий банкда 2016 йил 1 чораги якунларига бағишланган кенгайтирилган мажлисда шу ҳақда маълумот берилди.

Кайд этилишича, республикада муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг умумий сони бугунги кунга келиб 17,1 миллион дондан ошди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминалларининг сони эса 190,8 мингтага етди.



ган пластик карточкаларнинг умумий сони бугунги кунга келиб 17,1 миллион дондан ошди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминалларининг сони эса 190,8 мингтага етди.

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Фарғона Универсиада руҳи билан яшамокда

Фарғонада мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Универсиада — 2016» мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтади. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган ўн тўртта терма жамоа спортнинг 15 тури, жумладан, волейбол, қўл тўпи, футбол, енгил атлетика, сузиш, шохмот, оғир атлетика, дзюдо, баскетбол, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондо, теннис ва стол тенниси бўйича ғолиблик учун курашади.

Президентимиз таъкидлаганидек, хозирги кунда миллий спортимиз инфохорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқул Омонмуродов, Светлана Радзивиц, Дилшод Мансуров ва Саида Искандарова каби истеъдодли ёшларнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан Универсиада мусобақалари парвоз майдони бўлиб хизмат қилган эди.

Фарғона шаҳрида мусобақалар ўтказилаётган 29 объектда, жумладан, Фарғона давлат университети, Политехника институти, Олимпия захиралари спорт коллежида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Фарғона давлат университетида 3200 ўринли стадион, ёпиқ сузиш ҳавзаси, учта волейбол майдони ва енгил атлетика йўлаклари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу мақсадлар учун 18,4 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

— 132 талаба-спортчида иборат терма жамоамиз мусобақадаги барча спорт тури бўйича майдонга тушади, — дейди **Фарғона давлат университети жисмоний маданият факультети декани Қодир Жабборов**. — Спортчи ва мураббийлар тайёргарлик машқларини мунтазам олиб боришяпти. Футбол жамоаси «Истиклол» стадионида, волейболчилар Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали спорт залида, оғир атлетикачилар «Нефтич» спорт мажмуасида, сузувчилар Фарғона давлат университетининг янги сув спорти саройида, боксчилар Олимпия захиралари спорт коллежида машғулот ўтказишмоқда.

Мураббийларнинг юқори марраларни забт этишни режалаштираётгани бежиз эмас. Биринчидан,

спортчилар учун қулай, замонавий шарт-шароит яратилиб, барча иншоотлар зарур спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган. Улар билан тажрибали мутахассислар шугулланишмоқда. Иккинчидан, жамоада мамлакат, қитъа ҳамда жаҳон миқёсида ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлган спортчилар кўпчилики ташкил этади. Улар орасида енгил атлетика бўйича мамлакат чемпиони Сардор Умаров, дзюдо бўйича ёшлар ўртасидаги Европа очик чемпионати ғолиби Мухаммадлазиз Каюмов, теннис бўйича халқаро мусобақалар ғолиби Сарвиноз Саидхўжаева, таэквондо бўйича кўп қарра Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақалар ғолиби Абубакир Расулов ҳам бор.

— Мен қўлаб мусобақаларда ғолибликни қўлга киритганман, — дейди **Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Сарвиноз Саидхўжаева**. — Халқаро майдонларда юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида жонажон Ўзбекистоним, гўзал Фарғонам, қадрдон университетим кўз олдимга келади. Лекин Универсиадада ғолибликни қўлга киритишнинг гаши ўзгача. Бутун куч ва маҳоратимни фақат талаба учун сарфлайман.

— Мен кунли кеча Молдовада бўлиб ўтган халқаро мусобақадан қайтдим ва дарҳол Универсиада бўйича вилоят терма жамоаси сафида машғулотларга киришдим, — дейди **стол тенниси устаси, биринчи босқич талабаси Муқаддас Икромова**. — Универсиада мамлакатимиздаги энг нуфузли мусобақалардан. Мақсадим — чемпионлик! Унга эришиш учун астойдил ҳаракат қиламан.

Дарвоқе, Универсиада фақат спорт байрамигина эмас, гўзаллик,

нафосат байрами ҳамдир. Бугун унинг мусобақалари ўтадиган, иштирокчилари яшайдиган барча манзиллар, уларни боғлайдиган йўллар, спортчилар дам оладиган масканлар ўзгача чирой очган.

Универсиада арафасида вилоят марказида кенг қўламли ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишлари амалга оширилиб, хиббон ва қўчаларда гулзорлар ташкил этилди. Фарғона, Маърифат, Мураббийлар каби марказий қўчалар замонавий меъморчилик талаблари асосида таъмирланиб, қарийб 5 километрлик йўл реконструкция қилинди. Қўчаларга Универсиада ҳамда спортни тарғиб этувчи паннолар, шорлар ўрнатилди.

Ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишларини амалга ошириш учун 1 миллиард 645 миллион сўм маблағ ажратилди. Республикаимизнинг турли вилоятларидаги қўчаларда корхоналари, ҳатто чет элдан ноёб ва манзарали дарахтар ниҳоллари келтирилмоқда. Каштан, дуб, Қрим қарағайи, пальма, юкка, спirea, сирень, кипарис, япон сакура-си, хитой гулдаракти экилган қўча ва хиббонлар кўзни қувонтиради.

— «Универсиада — 2016» мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш тантаналарига тайёргарлик қизгин давом этмоқда, — дейди **вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Икром Жалилов**. — Унда уч юздан ортиқ ёшлар, мамлакатимизнинг таниқли санъат усталари ҳамда фарғоналик истеъдод эгалари иштирок этмоқда. Бу тантаналар янги қурилган «Истиклол» стадионида бўлиб ўтади. Бундан ташқари, мусобақа қатнашчилари учун ётоқхоналарда маданий-маърифий тадбирлар, таниқли актёр ва ёзувчилар билан ижодий учрашувлар, Фарғона ва Марғилон

шаҳарларидаги тарихий обидалар, музей, театрларга ташрифлар уюштириш режалаштирилган.

Маълумки, спорт мусобақалари очилишида ёқиладиган машъала Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида қуёш нурларидан ўт олдирилади. Айни кунларда Универсиада машъаласининг Паркентдан Фарғона шаҳригача келадиган йўл харитаси тузилди. Машъалани элтадиганлар орасида спортчилар билан бир қаторда Фарғонанинг Данғара тумани, Қўқон шаҳри, Учкўприк, Бойқод, Риштон, Олтиариқ туманларида яшовчи таниқли кишилар, спорт ва меҳнат фахрийлари ҳам бор.

«Универсиада — 2016» мусобақалари штабида унинг ишини ёритиб борадиган оммавий ахборот воситалари ва уларнинг вакиллари аккредитациядан ўтказилмоқда. Универсиада Матбуот маркази эса Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими билан ҳамкорликда матбуот анжуманлари уюштириб турибди. Шу ерда унинг веб-сайт гуруҳи ташкил этилган. Универсиадага тайёргарлик, унинг иштирокчилари, мусобақалар ўтадиган манзиллар ва бошқа маълумотларни **www.universiada2016.uz** веб-сайтидан олсиз. Мусобақа арафасида ва унинг тезкор натижалари саккиз хорижий тилда таржима қилиб бутун дунёга узатилади.

Бир сўз билан айтганда, бугун бутун Фарғона ва фарғоналиклар Ўзбекистон талаба-ёшлари ҳаётидаги навбатдаги улкан воқеа — гўзаллик ва спорт байрами бўлиши «Универсиада — 2016» руҳи билан яшашмоқда.

Мухаммадjon ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2016 йил —
СОҒЛОМ ОНА ВА
БОЛА ЙИЛИ

«Соғлом авлод учун»
халқаро хайрия фонди томонидан ташкил этилган навбатдаги «Саломатлик поезди» Қорақалпоғистон Республикасига йўл олди.

«САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Шу муносабат билан «Тошкент» вокзалида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида халқимизга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган доимий эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришга доир муҳим вазифалар белгиланган.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилаётган «Саломатлик поезди» экологик жиҳатдан нуқул шартда яшовчи аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўлаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Навбатдаги «Саломатлик поезди»нинг малакали мутахассислари Нукус, Қўнғирот, Қорақалпоғистон, Жаслик станцияларига ақин худудларда истиқомат қилаётган аҳолига, шунингдек, фондининг худудий филиали кўча тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси марказий шифохоналар, вилоят болалар ва туғуруқ комплекслари ҳамда махсус мактаб-интернатларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатади.

Тадбирни ташкил этишга «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Китоб олами», «Baxtteks-farm» масъулияти чекланган жамиятлари, «Nobel farm sapot» ва «Reka med farm» қўша корхоналари ва халқаро ташкилотлар ақиндан қўмақлашди. Тадбир давомида ижтимоий қўмакка муҳтож аҳоли ва ногиронларга, тиббий-ижтимоий муассасаларга дори-дармон, гигиена воситалари етказиб берилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.

ОБ-ХАВО	19-20.04 — 2016
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+7 / +12	+15 / +20
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+8 / +13	+18 / +23
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+8 / +13	+18 / +23
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+10 / +15	+18 / +23
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+8 / +13	+20 / +25
Тошкент шаҳри	
+8 / +10	+20 / +22
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+5 / +13
Париж	+2 / +4
Москва	0 / +11
Мадрид	+11 / +16
Пекин	+9 / +27
Канберра	+9 / +21
Рим	+12 / +22
Афина	+20 / +25
Токио	+11 / +18
Стокгольм	+3 / +9
Кейптаун	+22 / +26
Қоҳира	+15 / +33
Гавана	+22 / +27

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши партия фаоли

Панжи БОБОЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига қўқор таъзия билдиради.

ЭЪЛОН

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ» танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти» танловига қатнашишга таклиф этади.

Танловга 2015 йилнинг 1 июнидан 2016 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида

эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшитиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлим-

лари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом

ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87. www.journalist.uz

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonada nashr etilgan: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459
15101
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda kelishilgan narxdo

Navbatchi:
Temur XUDOYBERDIEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: **Farrux HAMROYEV**

TAHIRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol

XODJAYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad

RAHIMOV

Tat'yana

KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)